

FARMATSIYA VA FARMAKOLOGIYA ФАРМАЦИЯ И ФАРМАКОЛОГИЯ PHARMACY & PHARMACOLOGY



“Фармация ва Фармакология” журнали 2022 йилдан чоп этила бошланди. Йилда тўртта, ҳар чоракда биттадан сони нашр қилиб борилади.

Журналда чоп этилиши учун тақдим этиладиган мақолаларни, хоҳишингизга кўра, ўзбек, рус ва инглиз тилида ёзишингиз мумкин

Журнал мазмуни ва муаллифлар учун қоидалар “Фармация ва Фармакология” журнали [интернет сайтида](#) тақдим этилган.

“Фармация ва Фармакология” журналида, бошқа нашрларга юборилмаган ва авваллари нашр этилмаган, фармация ва фармакология соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари, шу соҳага доир муаммоли ва шарҳли мақолалар, шунингдек Ўзбекистонда таълимни такомиллаштиришга оид мақолалар чоп этилади.

Қисқа хабарлар қабул қилинмайди.

Таҳририят муаллифларга қўлёзмаларни қисқартиришни тавсия этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади (матнларни 10 саҳифагача ва жадвал ёки расмлар 3-5 дона бўлиши).

Мақолалар бепул чоп этилади.

Мақолага у ёзилган муассасанинг расмий тавсияси илова қилиниши лозим.

Мухарририятга бошқа нашрларда чоп этилган ёки юборилган мақолаларни тақдим этиш қатиян ман этилади.

Муаллиф мақолани юбориш орқали, агар у чоп этилиш учун тасдиқланса, унга бўлган муаллифлик ҳуқуқини нашриётга ўтишига рози бўлади.

Муаллифлик ҳуқуқи мақолани нусхалаш, тарқатиш (жумладан, қайта нашрлар, фотосуратлар, микроформалар ёки шунга ўхшаш ҳар қандай бошқа кўпайтириш шакллари) ва таржима қилиш учун эксклюзив ҳуқуқларни ўз ичига олади.

Нашрга қабул қилинган қўлёзмалар тақриз ва илмий таҳлил босқичида кўчирмачиликка текширилади.

Тақдим этиладиган қўлёзмалар шакли.

Тахририятга юборилган мақола қўлёзмаси қуйида кўрсатилган қоидаларга қатъий риоя қилган ҳолда шакллантирилиши керак. Агар ушбу қоидалар бузилса, мақолалар кўриб чиқилмасдан муаллифга қайтариб юборилади.

Қўлёзма ҳажми (шу жумладан мақола матни, хулоса, калит сўзлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, жадваллар, расмлар, муаллифлар ҳақидаги маълумотлар) 15 саҳифадан ошмаслиги керак (шарҳли мақолалар учун).

Мақолада беш нафардан ортиқ муаллиф (ҳаммуаллиф) иштирок этиши мумкин эмас.

Мақола компьютерда Microsoft Office Word дастурида ёзилган бўлиб, бошидан охиригача битта файлда бўлиши керак.

Матн, шунингдек, жадваллар, расм, диаграммалар, адабиётлар рўйхати, хулоса, муаллифлар ҳақида маълумотлар бари: А4 варақ формати, ёзув ҳажми Times New Roman 14 шрифтида бўлиши лозим. Оралиқ 1,0; ҳошиялар (тепа, паст, чап, ўнг) кенглиги 2,5 см; матн чап ва ўнг ҳошиялар ўртасида тенг тақсимланиши, сўз боши 1,25 смни ташкил қилиши керак. Сўзларни бўғинларга бўлиш тақиқланади.

Барча варақлар рақамлаштирилган бўлиб, рақамлар варақнинг пастки ўнг бурчагига ёзилади.

Мақола ёзишда қуйидаги тақдимот тузилишига риоя қилиш керак:

- УЎК (универсал ўнталик классификация)
- Мақоланинг сарлавҳаси қисқа (8 сўздан ошмаслиги), аммо етарлича маълумот ва имкон қадар илмий ишнинг асосий вазифасини акс эттира олиши лозим.
- Муаллиф исм-шарифи, отасининг исми.
- Муаллиф (муаллифлар) фаолият юритаётган муассаса (муассасалар)нинг номланиши, шаҳар ва мамлакатлар номларида қисқартмалар ишлатмай, тўлиқ ёзилиши керак. (ЎзФА, ТошФарми, ФТТИ ва б.)
- Агар муаллифлар бир нечта бўлса, ҳар бир фамилия ва муассаса ёнида рақамли индекс ёзилади. Муаллифларнинг бари бир муассасада фаолият олиб борса – индекс қўйилмайди ҳамда ташкилот номи бир мартаба ёзилади.

Мақола хулосаси:

Мақола муаллифлари ҳақидаги маълумотлардан сўнг оддий шрифтда калит сўзлар билан мақола мавзуси қисқача таништирилади (курсив ёки қалин эмас).

“Хулоса” сарлавҳаси чоп этилмайди.

Мақола ҳақида ёзилган муаллифлик хулосаси маҳаллий ва хорижий ахборот тизимларида асосий ахборот манбаи ҳисобланади.

Изоҳда илмий ишнинг муҳим маълумотлари келтирилиши керак. Гапларни “Кашф қилинди...”, “Тикланди...”, “Аниқланди ...”, “Таъсири ўрганилди...”, “Кўриб чиқилди...” ва б. намуналари асосида тузиш тавсия этилади.

Хулосада 200-250 та сўз ишлатилади. Калит сўзлар алоҳида қаторда берилади (5-7 сўз бош келишида ёзилади). Улар қидирув тизимида мақоланинг индексланишига ҳисса қўшади. Агар илмий иш шифобахш ўсимликлар ҳақида бўлса, калит сўзларда ўсимликнинг ўзбек ва лотин тилидаги номланишлари ёзилади.

Хулоса уч тилда: аввал мақола ёзилган тилда, охирида қолган икки тилда (мисол учун мақола ўзбек тилида ёзилган бўлса, хулоса аввал ўзбек тилида, сўнг рус ва инглиз тилларида) мақола номи, муаллифи, муассаса, шаҳар ва мамлакат номлари кўрсатилган ҳолда ёзилади.

Мақола матнинг шакли:

- кириш
- материаллар ва тадқиқот усуллари
- натижалар
- хулосалар

Адабиётлар рўйхати:

Сўнги 10 йил ичида чоп этилган асарлардан фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, Интернет-ресурсларидан 3 тадан кўп фойдаланиш таъқиқланган.

Жуда зарур бўлмаган ҳолларда муаллиф ўз мақоласидан иқтибос келтиришдан тийилган маъқул. Бу ҳолат агар илмий иш келтирилган тадқиқотлар ёки уларнинг давоми сифатида амалга оширилгандагина рухсат этилади.

Мақола матнида ҳавола қилинмаган манбаларни адабиётлар рўйхатига киритишга йўл қўйилмайди.

Адабиётларга ҳаволалар (экспериментал ишлар учун 15 тадан кўп бўлмаган, шарҳли мақолалар учун 20 тадан кўп бўлмаган) кўлёздаги иқтибослар тартибида кўрсатилади.

Матнда кўрсатилган ишнинг тартиб рақамига ҳавола квадрат қавс ичида ёзилади ([1] ёки [1,2] шаклида). Адабиётлардан келтирилган ҳар бир иқтибос янги қатордан ёзилади.

Библиографик ёзув бир мартда тузилади, лекин матнда унга бир неча мартда мурожаат қилиш мумкин. Адабиётга ҳаволада муаллифнинг тўлиқ исми, мақола номи,

библиографик маълумотлар (китоб нашр этилган манзил; нашриёт номи; нашр йили) келтирилиши шарт. Мақола номи қисқартилиши мумкин эмас. Журналларда чоп

этилган мақолалардан фойдаланилганда қуйидаги намунага амал қилиш муҳим:

Муаллиф А.А., ҳаммуаллиф Б.Б. мақола номи. Журнал номи. Йили; сони: саҳифаси-DOI(агар бор бўлса)